

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ УСИМЛИК  
МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ВАЙС ЕЛЕНА ВЛАДИМИРОВНА**

***ALCEA NUDIFLORA, VITIS VINIFERA* ДАН ОЛИНГАН  
ПОЛИПРЕНОЛЛАРНИНГ ОРГАНИЗМДАГИ РЕГЕНЕРАТОР  
ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИНИ ФАРМАКОЛОГИК БАҲОЛАШ**

**14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УДК: 615.322:612-001.41

**Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Вайс Елена Владимировна**

*Alcea nudiflora, Vitis vinifera*дан олинган

полипренолларнинг организмдаги регенератор

жараёнларга таъсирини фармакологик баҳолаш.....3

**Вайс Елена Владимировна**

Фармакологическая оценка действия

полипренолов из *Alcea nudiflora, Vitis vinifera*

на регенераторные процессы в организме..... 21

**Vays Elena Vladimirovna**

Pharmacological evaluation of the effect of

polyprenols from *Alcea nudiflora, Vitis vinifera*

on regenerative processes in the organism.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List published works.....46

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ УСИМЛИК  
МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ВАЙС ЕЛЕНА ВЛАДИМИРОВНА**

***ALCEA NUDIFLORA, VITIS VINIFERA* ДАН ОЛИНГАН  
ПОЛИПРЕНОЛЛАРНИНГ ОРГАНИЗМДАГИ РЕГЕНЕРАТОР  
ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИНИ ФАРМАКОЛОГИК БАҲОЛАШ**

**14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib947 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация акад. С.Ю.Юнусов номидаги ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сыров Владимир Николаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Даминова Лола Тургунпулатовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Хакимов Зиёвиддин Зайнитдинович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**А.Л. Аляви**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Тиббиётда регенератив – тикловчи жараёнларни стимуллаш мақсадида қўлланиладиган ўсимликлардан ажратиб олинган турли хил моддаларни излаш ва қўллаш жуда долзарб саналади. Дунё миқёсида ҳар йили жароҳатланишлар ва турли бахтсиз ходисалар натижасида 5 миллиондан ортиқ киши ҳалок бўлади, бу умумий касалликларнинг 12 %ини ташкил қилади. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БЖССТ) маълумотларига кўра, «...терининг травматик шикастланиши бошқа турдаги жароҳатлар орасида учинчи ўринни эгаллайди, баъзи мамлакатларда эса транспорт воситалари натижасида келиб чиққан жароҳатлардан сўнг иккинчи ўринда туради, АҚШда эса бу ҳолат мамлакат умумий аҳолисининг 1 % ида учрайди...»<sup>1</sup> Ўсимликлар асосидан ажратиб олинган баъзи турли туман моддалар юқорида кўрсатиб ўтилган фаолиққа эга бўлиши мумкин, бу эса келгусида улар асосида турли шикастланишларни ўз вақтида бартараф этишида, жараённинг сурункали тус олишини профилактикасида, организмнинг ўз вақтида асоратларсиз, тез тикланишини таъминлашда самарали воситаларни ишлаб чиқиш усулларини очиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Дунё бўйлаб турли хил ўсимликлардан, хусусан игна баргли дарахтдан олинган полипренолларнинг гепатопротектор, иммунитетни рағбатлантирувчи ва жароҳат регенерациясини тезлаштирувчи самарани такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқот ишлар олиб борилмоқда. Аммо ҳозирда амалиётда қўлланилаётган регенератив таъсирга эга бўлган дори воситалари кенг қамровга эга эканлигига қарамасдан, юқори фармакологик фаоллик намоён этадиган, минимал ножўя таъсирга эга янги дори дармонларга бўлган талаб юқориликча қолмоқда. Оптимал таъсир этувчи миқдор ва концентрацияси белгилан, шунингдек, тажриба ҳайвонлари организмига ўрганилаётган воситаларнинг умумфармакологик таъсири тавсифлаш ҳамда токсик гепатитларнинг турли моделларига, тери ва шиллиқ қават нисбатан уларнинг регенератор хусусиятларини баҳолаш ва уларни самарали даволаш механизмини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, жумладан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактика қилиш, аҳоли ҳаёт давомийлигини ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup>Соғлиқни сақлаш саволлари. // <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/burns>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида метаболик фаолиятини бузилиши оқибатида келиб чиқадиган касалликларни эрта ташхислаш, оғир асоратлар ривожланишининг олдини олиш ва патогенетик даволаш тамойилларини оптималлаштириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон “Фармацевтика саноатини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2016 йил 16 сентябрдаги ПҚ-2595-сон “2016-2020 йилларда фармацевтика саноатини янада ривожлантириш бўйича чора тадбирлар дастури тўғрисида”, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон “Фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳорижий давлатлар олимлари томонидан (Buczowska A., 2015. Wen R., 2013. Cavallini G., 2016. Eichlera J., 2017. Surmacz L., 2015. Zhang Q., 2015.) организмнинг регенератор-тикланиш жараёнларида долихолфосфат цикли муҳим аҳамиятга эга эканлиги исботланди. Долихолфосфат циклининг асосий молекулалари долихол полиизопреноидлари ҳисобланади. Илмий изланишлар давомида экзоген полипреноллар ҳайвон ҳужайрасида долихол миқдорини меёрлаштиришга, долихол фосфат циклининг нормал ишлашини таъминлашга, оксил молекулаларини тиклаш ва барқарорлаштиришга ҳамда уларнинг мембранага нисбатан рецептор боғланишларини кучайтиришга хизмат қилиши аниқланди.

Ўсимлик полипренолларининг турли хил фармакологик хусусиятлари уларнинг юқорида қайд этиб ўтилган ҳоссаларига боғлиқ эканлиги баҳоланди. МДХ давлатлари олимлари (Санин А.В., 2011. Лацерус Л.А., 2010. Эрман Е.С., 2011. Бакулин И.Н., 2011. Переслегина И.О., 2017.) регенератор типдаги дори воситалар ва биологик фаол кўшимчалар (БФК) яратилишида ўзларининг салмоқли ҳиссаларини кўшишган. Улар бу борада гепатопротектор ва регенератор фаолликка эга бўлган бирикмаларни, шунингдек бошқа турдаги биологик хусусиятларни (яллиғланишга қарши, антиоксидант, антимикроб ва б.ка.) ўзида мужассамлаштирган маҳаллий ўсимлик манбаъларини излаш, уларнинг кимёвий ва биологик жиҳатларини баҳолаш ўта долзарб ва юқори талабга эга бўлган масаладир.

Ўзбекистонда таркиби полипренолларга бой бўлган маҳаллий ўсимлик манбаъларини излаб топиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган

(Зокирова У.Т., 2010. Хидирова Н.К., 2017. Шахидоятов Х.М., 2018.). Эндиликда уларни ажратиб олиш ва кимёвий тузилишини ўрганиш усуллари ишлаб чиқилиб, биологик фаолликнинг айрим турлари бўйича клиник синовлар ўтказилди. Ушбу изланишлар натижасида биостимуляция қилувчи воситалар яратилган бўлиб, уларни ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида қўллаш бўйича қатор муваффақиятларга эришиб келинмоқда. Бироқ, полипренолларнинг регенератив хусусиятларини баҳолаш ва улардан клиник амалиётда фойдаланиш имкониятларини фармакологик нуқтаи назардан такомиллаштириш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмаган эди.

Ушбу соҳада эришилган ютуқларга қарамай, янада янги регенератив хусусиятга эга бўлган воситаларни излаб топиш муаммоси ҳанузгача ўз ечимини кутмоқда. Ҳозирги кунга қадар полипренолларнинг фармако-биологик хусусиятларини ўрганиш давомида уларнинг сутемизувчилар ва одам организмида учрайдиган қатор патологик ҳолатларга, чунончи регенератив жараёнларга ижобий таъсир кўрсатиши бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари етарлича эмас. Полипренолларнинг айнан шу жиҳати соғлиқни сақлаш тизимининг олдида турган кўпгина муоммоларни ечиш учун ҳизмат қилади. Буларнинг барчаси олиб борилаётган диссертациянинг ҳар жиҳатдан долзарблиги ҳамда илмий ва амалий аҳамиятини белгилаб беради.

**Диссертация мавзусини диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФА-А12-Т117 «Полипреноллар асосида юқори самарадорликка эга дори воситаларнинг янги технологияларини яратиш ва уларнинг иммуномодулятор фаоллигини баҳолаш» (2011-2013), №ФА-А11-Т029 «Изопреноид ва полифенол табиий бирикмалари асосида радиопротектор восита яратиш» (2015-2017), №ПЗ-201709929759 «Полипреноллар асосида организмдаги регенератор жараёнларни стимулловчи дори воситасини яратиш» (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** *Alcea nudiflora* ва *Vitis vinifera* (маҳаллий ўсимлик *ҳомашёси*) баргларида ажратиб олинган полипренолларнинг организмдаги регенератор жараёнларнинг кечишига таъсири ва уларни амалий тиббиётда қўллаш имкониятларини баҳолашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

теридаги жароҳатларни даволашда регенерация жараёнларини тезлаштириш учун полипренолларни ташқи томондан қўлланилувчи, меъда шиллик қаватида юзага келган турли хил деструкцияларни бартараф этишда эса уларни ичга қабул қилинувчи восита сифатида баҳолаш;

полипренолларнинг регенератив жараёнларни фаоллаштирувчи механизмнинг асосий жиҳатларини таҳлил қилиш ҳамда ушбу моддалар таъсири остида аъзо ва тўқималарда кечадиган регенератив ва метаболик жараёнлар ўртасидаги муносабатни аниқлаш;

тетрахлор углерод ва алькогол ёрдамида шикастлантирилган тажриба остидаги хайвонлар жигаридаги регенератив-тикловчи жараёнларга полипренолларнинг ижобий фаоллаштирувчи таъсирини асослаш;

полипренолларнинг радиоактив нурланиш таъсиридан кейин организмнинг иммунобиологик хусусиятларини тиклаш ва бензол билан чақирилган лейкопенияда лейкопозни рағбатлантириш жараёнига бўлган таъсир самарадорлигини баҳолаш;

полипренолларнинг қопловчи тўқималардаги регенератив жараёнларни фаоллаштирувчи таъсирини аниқлаш мақсадида уларни синтетик (метилурацил) ва табиий (чаканда мойи) референс-дори воситалар билан, тўқима (жигар) ва тизимларнинг (иммун тизими) тикланиш жараёнларига нисбатан самарадорлигини аниқлаш учун эса нисбатан специфик бўлган карсил ва иммунал каби дори воситалар билан қиёсий баҳолаш;

тиббиёт амалиётида энг фаол полипреноллардан дори воситаси кўринишида ёки БФҚ сифатида фойдаланиш токсикологик нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ эканлигини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида гулхайри (*Alcea nudiflora L.*) ва ёввойи қизил узум барглари (*Vitis vinifera subsp. Silvestris*), айрим ҳолларда эса Л-249 чизиқли пахта барглари ҳамда яшил арчанинг игнабаргларидан ажратилган полипреноллар олинган.

**Тадқиқотнинг предметни** тери қопламида турли хилдаги жароҳатлар ва ошқозон шиллик қаватининг ярали деструкциялари мавжуд бўлган, шунингдек тетрахлор углерод ҳамда алькогол ёрдамида чақирилган лейкопения ва токсик гепатити бор, радиоактив нурланиш олган тажрибавий куён, каламуш ва сичқонлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари** Тадқиқотларда фармакологик, патофизиологик, биокимёвий - гликоген, холестерин, морфологик, гематологик - умумий қон анализи, иммунологик текширувлардан чандиқларда РНК ва ДНК миқдори, хайвонларнинг жигари ва талоғидаги лейкоцитларнинг миқдори, дори воситаларининг кўзга ва нафас ва юрак қон томир тизимига токсикологик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

*Alcea nudiflora* va *Vitis vinifera*дан ажратилган полипреноллар ташқи қўллаганда (*per cutan*) тажрибавий куён, каламуш ва сичқонлардан терисидаги жароҳатлар, трофик яралар ва термик куйишларнинг битиши тезлашиши исботланган;

полипреноллар ичга қўлланилганда (*per os*) ошқозон ярасини тез битишига ёрдам бериши, жигарнинг токсик зарарланишида қўлланилганда эса ундаги регенератив-тикланиш жараёнларга ижобий таъсир этиши аниқланган;

бензол билан чақирилган лейкопениюни лейкопозни рағбатлантириш йўли билан, радиоактив нурланиш таъсирида юзага келтирилган суст иммун реакцияли ҳолатни эса организмнинг иммунологик қобилятини кучайтириш орқали тиклаши исботланган;

полипренолларнинг хужайрани энергетик ҳолатини яхшилаши ҳамда липидларнинг перексидли оксидланиш жараёнларини ингибирлаши натижасида оксил синтезини кучайиши ва углевод алмашинувини тезлашиши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

полипреноллар тери ва ошқозон шиллиқ қаватидаги регенерация ҳамда аъзо ва тўқималардаги метаболик жараёнларни фаоллаштиришда юқори самарадорликка эга бўлган восита эканлиги аниқланган;

полипренолларнинг регенератив жараёнларни кучайтирувчи таъсирга эга бўлган баъзи синтетик ва табиий воситаларга нисбатан муайян фармакотерапевтик афзалликлари асосланган;

полипренолларни узоқ муддат давомида тажриба остидаги ҳайвонларга ташқи ҳамда ички қўлланилганда унинг токсиклиги ва ножўя таъсирларининг юзага чиқмаслиги исботланган;

олиб борилган тадқиқотлар организмдаги регенерация жараёнларини рағбатлантирувчи маҳаллий ўсимлик ҳомашёларидан олинган янги ҳамда юқори самарали фитопрепаратлар истиқболини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий тадқиқот ишида назарий ёндашувлар ва усулларни қўллаш, услубий жиҳатдан тўғри амалий тадқиқотлар, ҳайвонларнинг сони тажриба учун етарлича бўлганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, бир-бирини тўлдирувчи фармакологик, патофизиологик, биокимёвий, морфологик, гематологик, иммунологик ва токсикологик усулларга асосланган илмий тадқиқотлар ва полипренолларнинг регенератив фаоллигини фармакологик самарадорлигини баҳолаш учун олинган материалларни қайта ишлашнинг статистик усуллари, хорижий ва маҳаллий тадқиқотларнинг тасдиқланган натижалари билан таққосланганлиги, шунингдек олинган ҳулоса ва натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий ўсимлик манбаларидан илк мартаба полипренолларнинг ажратиб олиниши, улар орасидан организмнинг регенератив ҳусусиятларини рағбатлантирувчи, самарадорлиги юқори бўлган воситаларни топиш имкониятининг мавжудлиги ҳамда полипренолларнинг ушбу таъсир механизмининг асосий жиҳатлари ёритиб берилган, шунингдек, теридаги турли ҳил жароҳатлар, трофик яралар, куйишлар, ошқозон шиллиқ қаватининг деструктив ҳосилалари, лейкопения, радиацион таъсир оқибатлари ва токсик гепатитни даволашда полипреноллардан фойдаланиш имконияти мавжудлиги билан изоҳланади.

*Alcea nudiflora L.* ва *Vitis vinifera subsp. Silvestris* баргларида олинган полипреноллар муайян патологик жараёнларни даволашда кенг қўлланилиб келинаётган дори воситаларга нисбатан анча афзал бўлиб, уларнинг бу жиҳати жароҳатлардаги регенератор жараёнларни сезиларли равишда тезлаштириши орқали намоён бўлади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятида ўтказилган тажрибалар асосида «Пренолон»ни гигиеник восита, «Витапренол»ни эса БФҚ

сифатида ишлаб чиқариш ва улардан кенг фойдаланиш истиқболи кўсатиб ўтилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Полипренолларни ўрганиш асосида преналон ва витапренол кучли регенератив таъсирга эга бўлган потенциал восита сифатида баҳолаш орқали унинг фармако-токсикологик хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

"Полипренол асосида маҳаллий маҳсулотлар ёрдамида танадаги регенератив ва тикланиш жараёнларни рағбатлантирувчи даволаш чоратадбирлар усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-р/378-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома теридаги турли ҳил жароҳатлар, трофик яралар, куйишлар, ошқозон шиллиқ қаватининг деструктив хосилалари, лейкопения, радиацион таъсир оқибатлари ва токсик гепатитни даволашда полипреноллардан фойдаланиш имконини берган;

*Alcea nudiflora* va *Vitis vinifera*дан ажратилган полипренолларнинг организмдаги регенератив жараёнларга таъсирини фармакологик баҳолаш бўйича олинган натижалар Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент фармацевтика институтининг марказий илмий тадқиқот лабораторияларини амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш 2020 йил 17 декабрь 8н-з/241-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши даволаниш жараёнининг давомийлигини қисқартириш ва унинг самарадорлигини ошириш, ҳамда келиб чиқиши мумкин бўлган асоратлар сонини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган, жумладан 8 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та, жумладан, 7 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг истиқболли йўналишларига мувофиқлиги, муоммонинг ўрганилганлик даражаси, шунингдек диссертация мавзусини диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари билан мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган. Тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, унинг объекти, предмети ҳамда тадқиқот усуллари кўрсатилган, илмий янгилиги ва

амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган ҳамда уларни амалиётга тадбиқ қилиниши бўйича нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилишида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Регенерациянинг биологик аҳамияти**», «**Организмдаги регенератор жараёнларга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатувчи медикаментоз воситалар**» ва «**Полипреноллар, тузилиши, ўсимлик дунёсида тарқалиши, биологик хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида регенерациянинг нормал ҳаёт фаолиятида аъзо ва тўқималарни тиклашдаги аҳамияти ҳамда турли нотурғун омиллар таъсири остида организмнинг физиологик функциялари бузилганда регенерациянинг тутган ўрни ҳақида батафсил тўхталиб ўтилган, шунингдек, ҳозирги кунда регенерацияни рағбатлантириш мақсадида қўлланиладиган ўсимлик ва синтетик дори воситалар, уларнинг самарадорлиги таққосланган, қўлланилиш соҳалари, ножўя таъсирлари кўриб чиқилган. Полипренолларни ўсимликлар таркибида учраш частотаси ва уларнинг хусусиятларини баҳолаш орқали мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этишнинг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларда қўлланилган тажриба ҳайвонлари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектига тавсиф берилган, қўйилган вазифаларни бажаришнинг усул ва услублари келтириб ўтилган. *Alcea nudiflora L.*, *Vitis vinifera subsp. Silvestris* баргларида ажратиб олинган полипреноллар (шартли равишда преналон ва витапренол номли), шунингдек алоҳида ҳолларда ЎзР ФАЎМКИ органик синтез бўлими ходимлари т.ф.д., проф. Х.М. Шахидоятов, т.ф.н. Н.К. Хидирова, т.ф.н. М.Ж. Рахматовалар томонидан 2008-2018 йиллар давомида пахта баргларида ажратиб олинган полипреноллар ва Коми кимё институти РАС Урал илмий маркази ходимлари академиклар А.В. Кучин ва т.ф.д. Т.В. Хуршкайненлар томонидан арчанинг яшил нинабаргидан олинган полипренолларнинг хусусиятлари баҳоланган.

Тажрибалар асосан эркак сичқонларда (18-20 г), эркак каламушларда (180-200 г) ва эркак қуёнларда (2.5-3 кг) ўтказилди. Полипренолларни регенератив-тикловчи восита сифатида тадқиқ этишда тери ва меъда шиллик қаватида деструктив ҳосилалар мавжуд бўлган, жигарнинг токсик зарарланиши кузатилган ҳамда радиоактив нурланиш таъсирида чақирилган лейкопения ва иккиламчи иммун танқислиги ривожланган тажриба остидаги ҳайвонлардан фойдаланилди. Полипренолларни теридаги яраларни даволаш учун қўлланилганда тери юзасига бир текис юпқа қатлам ҳосил қилиб, зарурат туғилганда эса унинг атрофидаги соҳаларга ҳам суртилди, ички қўлланилганда эса 10 мг/кг (меъдага оғиз орқали махсус зонд ёрдамида юборилди) микдориди ишлатилди. Референс-дори воситалар сифатида чаканда мойи ва 10% метилурацил суртмаси (оғиз орқали юборилганда метилурацил 50 мг/кг дозада қўлланилди), карсил (гепатитни даволашда таъсир самарадорлигини баҳолашда) ва иммунал (иммуногенезга таъсирини баҳолашда) 50 мг/кг дозада қўлланилди. Назорат остидаги ҳайвонларда кўп ҳолатларда, кунгабоқар мойидан

фойдаланилди (фармакологик тадқиқотлар учун полипренол субстанциялари 50:50 нисбатда кунгабоқар мойи билан суьултирилди).

Синовдан ўтказилаётган моддаларнинг терида юзага келган жароҳатларни регенерациясига таъсирини ўрганиш учун сичқонларнинг терисида махсус айланма штамп (9 мм диаметри) ёрдамида унинг ҳамма қаватларини қамраб олган жароҳатлар ҳосил қилинди. Каламушларнинг туклардан тозаланган терисининг  $230 \pm 1.2$  мм<sup>2</sup> майдони фасцияга қадар кесилди (Николаев А.В. ва бошқалар, 1977). Куёнларда ўтирғич нервини боғлаш йўли билан трофик яралар ҳосил қилинди (Саркисов Д.С., Ремезов П.И., 1960). Сичқонларнинг бир оёғини буғимининг букувчи юзасига қадар 55<sup>0</sup>С ҳароратли сувга солиш йўли орқали, (Аракелова В.В., Филимонова Л.А., 1978), каламушларда эса 220<sup>0</sup>С ҳароратгача қиздирилган электропайванд учига ўрнатилган мис пластникасидан (3x3 см) фойдаланган ҳолда контакт усул (Гублер Е.В. ва бошқ., 1973) билан термик куйиш чақирилди. Биринчи ҳолатда экспозиция вақти 20 сонияни, иккинчи ҳолатда эса 10 сонияни ташкил қилди. Хайвонларда ўтказилган барча шикастловчи муолажалар асептик шароитда, енгил эфир наркози остида (сичқонлар ва каламушларда) ёки 35мг/кг миқдордаги нембутални (куёнларда) қорин бўшлиғига юбориш йўли орқали амалга оширилди. Куёнларда чақирилган яраларга докали боғламлар қўйилди, сичқон ва каламушларда эса улардан фойдаланилмади. Полипреноллар таъсирида яраларнинг битиш жараёни уларнинг тўлиқ тузалиш давригача кузатиб борилди. Бунда яра сиртининг ҳолати, грануляцияларнинг сифати ва етуклиги, яра ажралмаларининг характери, жароҳат атрофидаги тўкималарнинг ҳолати ва эпителизация вақти қайд этилди. Шунингдек, планиметрик, морфологик ва биокимёвий текширувлар тавсифларига биноан амалга оширилди.

Алоҳида серияли тадқиқотларда теридаги метоболик жараёнларнинг ҳолати ва унда чизиқли жароҳатларнинг битиш тезлиги орасидаги боғлиқликнинг мавжудлиги асослаб берилди (Фенчин К.М., 1979), бу ерда ҳосил бўлган чандиқнинг мустахкамлиги ранотензиометрия (Мишарев О.С. ва бошқ., 1984) усули ёрдамида аниқланди. Ушбу тажрибаларда биз одатдаги каламушлардан ва қондаги қанд даражаси 13.8мм/л атрофида бўлган аллоксан диабетли каламушлардан фойдаландик. Бундай ҳолатда полипреноллар 10 кун давомида қўлланилган. Назорат ва тажриба гуруҳларидаги каламушларнинг терисида (тери тукларидан ва тери ости ёғ клетчаткасидан тўлиқ тозаланган) умумий оксил (Lowry O. et al., 1970), гликоген (LoS. et al., 1970), пирозум кислотаси (ПУК), сут кислотаси (СК) (Камышников В.С., 2009), холестерин (Abell L. et al., 1952), фосфолипидлар (Swanborg A.etal., 1961) аниқланди. СК – ПУК тизимининг оксидланиш - қайтарилиш салоҳияти (ОҚС СК/ПУК) М.Е Райскин ва бошқ.га кўра ҳисоблаб чиқилди (1970).

Каламушларда стресс таъсирида (16 соат мобайнида горизонтал ҳолатда иммобилизация қилиш) ёки маълум дозаларда ульцероген хусусиятга эга бўлган моддаларни юбориш орқали меъда яраси юзага келтирилди. Булар: ацетилсалицил кислотаси (Зуева Е.П. ва бошқ., 1997), абсолют этанол (Derelanco M., LongJ., 1981), атофан (Барнаулов О.Д. ва бошқ., 1981), сирка кислотаси

(Jakagietal., 1969), резерпин (Буданцова С.И., 1973). Пайдо бўлган меъда ярасини макроскопик ўрганишдан ташқари, уларнинг умумий сони ҳисобланди (кўпгина ҳолатларда Паулс индексидан фойдаланилди), резерпинланган каламушларнинг меъда гомогенатларида (сероз қобик олиб ташлангандан сўнг) ДНК ва РНК таркиблари (Трудолюбова М.Г., 1977), малон диальдегид (МДА) (Стальной И.Д. и Гаришвили Т.Г. (1977)), диен конъюгатлари (Стальной И.Д. (1977)) аниқланди. Ушбу яралар ҳосил бўлиши учун ўрганилаётган полипреноллар ва солиштирилаётган дори воситаларни адабиётларда кўрсатилган тартибда ва частотада қўлланилди.

Каламуш жигаридаги токсик шикастланишлар углерод тетрахлорид ( $CCl_4$ ) (Набиев А. ва бошқ., 2005) ва алькоғолли гепатит (Мансурова И.Д., Олимова С.О., 1985) ҳисобига чақирилди. Ушбу моделда полипренолларнинг регенератор-тикланувчи таъсири баҳоланди. Бу ҳолатларда полипренолларнинг фармакотерапевтик хусусияти қон зардобидаги аланин ва аспаратаминотрансфераза (АлАТ ва АсАТ), ишқорий фосфатаза (ИФ) ва умумий оксил (Камышников В.С., 2009), жигар тўқималарида эса гликоген, умумий липид, холестерин, триглицерид, фосфолипид ва МДАнинг миқдорини аниқлаш йўли билан юқорида кўрсатилган усуллар бўйича баҳоланди. Каталлаза фаоллиги М.А. Королюк ва бошқ. (1988) га мувофиқ, супероксиддисмутаза (СОД) эса Е.Е. Дубинин ва бошқ.(1983)га кўра баҳоланди. Барбамил наркози (100г тана массасига қорин бўшлиғига 1%- 1мл) остида бўлган баъзи каламушларда умумий ўт йўлига киритилган катетр орқали ўт кислоталарининг соатлик порциялари (4 соат давомида) йиғилди ҳамда ўт кислотаси, холестерин ва билирубин концентрациялари аниқланди. Шунингдек, полипренолларнинг регенератор ва тикланиш жараёнларини фаоллаштириш хусусияти бензол билан чақирилган лейкопенияли каламушларда (Лазарев Н.В., 1958), ҳамда 5 Гр 1,2 Гр/мин дозада Theratron  $\gamma$ -тиббий нурланиш (нурланиш вақти 20 дақиқа) билан қувватланган сичқонларда ўтказилган тажрибаларда ўрганилди. Бунда сичқон тана юзаси билан трубка орасидаги масофа 65 см, нурланиш манбаи -  $^{60}Co$ . Ҳудди шу тажрибалар асосида кескин пасайган иммун жараёнларни тиклаш учун полипренолларнинг таъсири Петров Р.В. ва Зарецкой (1965)лар таърифлаганидек баҳоланди. Сичқонлар талоғидаги антител ишлаб чиқарувчи хужайралар (АИЧХ) сони қўй эритроцитларининг тимусга боғлиқ антигенини интраперитонеал равишда (битта сичқончага  $2 \times 10^8$  хужайра дозасида) киритилиши маҳаллий гемолизнинг бевосита усули ёрдамида аниқланди (Jerpe N.K., Nordin A.A., 1963). Бундан ташқари, ядро сақловчи талоқ хужайраларининг, шунингдек тимус, суяк илиги ва мезентериал лимфа тугуни хужайраларнинг умумий сони ҳисоблаб чиқилди.

Полипренолларнинг ҳавсизлигини текшириш янги моддаларни экспериментал (клиникадан олдин) ўрганиш қўлланмасига мувофиқ амалга оширилди - Москва, 2000.

Тажрибалар давомида олинган барча рақамли материаллар талабанинг t-меъзони дастури ёрдамида статистик қайта ишлашдан ўтказилди.

Диссертациянинг “Полипренолларнинг тери ва ошқозон шиллик қаватида деструктив ҳосилаларнинг тикланишига таъсирини баҳолаш” деб номланган учинчи бобда полипреноллар тўқималардаги турли ҳил нуқсонларга ижобий регенератив таъсир кўрсатиши қайд этилган. Шундай қилиб, аввало *Alcea nudiflora* (преналон) ва *Vitis vinifera* (витапренол) дан олинган полипренолларнинг сичқонлар панжасининг куйиш юзаларига фаол тикловчи таъсири аниқланди. Уларни преналон билан даволаш натижасида тўлиқ тикланиш даври ўртача  $21.6 \pm 0.7$ , витапренол билан даволашда эса  $19.9 \pm 0.3$  кунни ташкил қилди. Ҳудди шу муддатда назорат гуруҳида (кунгабоқар мойи билан) жароҳатларни тиклаш жараёнлари  $30.4 \pm 0.2$  кун ичида содир бўлди. Сичқонларда ўрганилган полипренолларнинг яраларга тикловчи таъсири терининг ҳамма қаватларини қамраб олган жароҳатларга нисбатан ҳам кузатилди. Дастлабки кунларданок преналон ва витапренол билан даволанган хайвонларда жароҳат атрофидаги яллиғланиш реакциялари кучсиз бўлди, регенератив жараёнлар эса назорат гуруҳига нисбатан бирмунча фаоллиги билан ажралиб турди. Уларда шиш камроқ, яра экссудати суст, грануляциялар эса тезроқ шаклланди. Шунингдек, бириктирувчи тўқиманинг ривожланиши ва жароҳат васкуляризацияси билан бир қаторда яра нуқсонининг эпителизацияси (грануляциялар ҳосил бўлиши жараёнида ўсаётган эпителий тўқ қизил фонда оқ кант сифатида аниқ кўриниб туради) кузатилди. Преналон таъсирида яраларнинг битиш жараёни назорат гуруҳига ( $26.5$  кун) нисбатан  $7.8$  кун тезроқ, витапренол таъсирида эса яраларнинг тузалиши  $10.0$  кун аввалроқ содир бўлди, яъни уларнинг жароҳатларни даволаш самараси  $37.7\%$  ва  $29.4\%$ ни ташкил қилди. Референс – дори воситаларининг аналогик самараси: чаканда мойи ва  $10\%$  ли метилурацил суртмасида  $15.8\%$  ва  $27.5\%$ ни ташкил қилди.

Сичқонларда аниқланган преналон ва витапренолнинг регенератив фаоллиги каламушларда ўтказилган тадқиқотлар орқали ҳам тасдиқланди. Морфологик усуллар ёрдамида жароҳатни даволаш жараёнини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, преналон ва айниқса витапренол, шунингдек, чаканда мойи ва  $10\%$ ли метилурацил суртмаси таъсирида жароҳатларнинг хужайра элементлари назорат гуруҳига нисбатан эрта муддатларда фаоллашганлиги, эпителиоцитлар ва фибробластлар сони эса кўпайганлиги қайд этилди. Томир элементларининг ўсишини жаддаллашуви, демаркацион чизик шаклланишининг тезлашуви, яра устидаги қора пўстлоқнинг кўчиб тушиши, коллаген фибриллогенез тезлигининг ортиши, грануляцион тўқима трансформацияси ҳамда эпителизация фаоллашуви кузатилди. Ушбу жараённи биокимёвий усуллар ёрдамида баҳолашда полипренолларнинг фаоллаштирувчи таъсири ҳам аниқланди. Шундай қилиб, тадқиқотнинг 7 – кунда каламушлардаги яра нуқсонларига преналон ва витапренол билан ишлов берилганда, улардан олинган грануляцион тўқимадаги ДНК миқдори (хужайралар сонининг кўрсаткичи) назорат гуруҳига нисбатан  $17.4-31.0\%$ га юқори, РНК миқдори эса (хужайра биосинтетик фаоллиги кўрсаткичи)  $48.8$  ва  $81.0\%$ га юқори эканлиги қайд этилди. Каламушларнинг экспериментал гуруҳларида регенератор жараёнларни рағбатлантириш грануляцион тўқималарда коллаген кўпайиши билан изоҳланди (оксипролин

аминокислотасининг аниқланиши унинг маркери сифатида хизмат қилди (StegemannН., 1958)). Коллаген эса ўз навбатида бириктирувчи тўқиманнинг (76.6-123.3%), шу билан бирга бошқа бириктирувчи тўқима биополимерларининг (гексозаминлар 82.2-117.7%; гексурон кислотаси 53.5-78.9%; гексоз 91.1-130.0%) муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Преналон ва витапренол таъсирида грануляциян тўқималарнинг миқдори (эпителизация ва контракцияни олдини олиш мақсадида органик шиша халқалар ёрдамида каламушлар терисининг ҳамма қаватини қамраб олган циркуляр жароҳат пайдо қилинди) 7 – чи кунга келиб назорат гуруҳига нисбатан 32.8 ва 39.5% га ошди. Ушбу маълумотларнинг барчаси шуни кўрсатадики, полипренолларнинг фаоллаштирувчи таъсири тўқималарнинг метаболик реакцияларининг тезлашуви ҳисобига юзага келади ва бу эса теридаги жароҳатларни тезроқ битишига олиб келади. Полипреноллардан фойдаланиш чаканда мойи ва 10%ли метилурацил суртмасидан фойдаланганга қараганда анча ишончлироқ натижалар берди ва бу эса жароҳатларни даволаш вақтида ўз тасдиғини топди (1 - жадвал).

#### 1 - жадвал.

**Преналон ва витапренол ҳамда чаканда мойи ва метилурацил суртмасини каламушлар терисининг барча қаватларини қоплаб олган ясси жароҳатларига қўлланганда уларнинг битиш муддатига таъсирини таққослама баҳолаш**  
( $M \pm m, n=6$ )

Тадқиқот шартлари	Жароҳатларнинг битиш даври (суткада)	Назорат гуруҳига нисбатан жароҳатнинг битиш самараси, %	Назорат гуруҳига нисбатан P	Чаканда мойига нисбатан P	Метилурацил суртмасига нисбатан P	Преналон ва витапренол ўртасидаги самарага кўра P
Назорат (кунгабоқар мойи)	34,2±1,5	-	-	-	-	-
Преналон	25,6±1,4	25,1	<0,01	<0,05	<0,25	<0,05
Витапренол	21,8±0,6	36,3	<0,001	<0,001	<0,001	-
Чаканда мойи	30,0±1,1	12,3	<0,05	-	-	-
Метилурацил суртмаси	28,0±0,6	18,1	<0,01	<0,25	-	-

Нормал ва аллоксан диабетик каламушларда ўтказилган тажрибада чизикли тери жароҳатларидан олинган маълумотлар келтирилган ҳолатнинг яна бир муҳим исботи бўлиб хизмат қилади. Ушбу тажрибаларда биз терининг чизикли жароҳатларини битиш вақти (хосил бўлган чандикнинг мустаҳкамлигига кўра) билан тери нуқсони атрофидаги метаболик фаоллик даражасини таққосладик. Диабетик каламушлар терисида (интакт каламушларга нисбатан) оксил

миқдорининг камайганлиги (22.9%,  $p < 0.05$ ) аниқланди. Бу ҳолат оксидланишнинг (ОВП МК/ПВК 6.2 мВга пасайди) аэроб кечишини ёмонлашуви ҳисобига анаболик жараёнлар учун энергия таъминоти етишмаганлиги билан тушунтирилади. Бундан ташқари терида гликоген миқдори (28.5% га) камайди, холестерин/фосфолипидларнинг нисбати эса (53.6% га) ошди. Метаболик жараёнларнинг салбий силжишлари оқибатида каламушлар терисидаги чизикли жароҳатларнинг битиш муддати сезиларли даражада ошди. Тажриба бошлангандан 10 кун ўтгач ҳосил бўлган чандиқнинг тензиометрияси шуни кўрсатдики, унинг мустаҳкамлиги интакт каламушларникига қараганда 36.6% га кам бўлди ( $p < 0.05$ ). Нормал ва аллоксан диабетик каламушлар терисидаги яра юзаси ҳамда жароҳат атрофидаги тўқима преналон ва витапренол билан ишлов берилганда, уларнинг хужайралари пластик ва энергетик моддалар билан бойитилганлиги, аэробизмнинг интенсив кечиши, бу эса оксил синтези учун қулай шароит яратганлиги ва шунга мос равишда посттравматик регенерация жараёнлари тезлашганлиги кузатилди. Чизикли жароҳатлар анча тезроқ тузалганлиги қайд этилди, бу эса ҳосил бўлган чандиқнинг мустаҳкамлиги ошганлигидан далолат беради. Нормал каламушларда 10 кун давомида преналон ва витапренолдан фойдаланилганда бу ҳолат 45.2% ва 63.5% га ошди, аллоксан диабетга чалинган хайвонларда эса 46.4% ва 61.3% га кўтарилди. Бинобарин, ўрганилаётган полипреноллардан фойдаланиш терининг тикланиш фаоллигини оширади, бу асосан, ушбу моддаларнинг метаболик жараёнга таъсири билан тушунтирилади. Қуёнлар терисидаги трофик яраларнинг тез фурсатларда битиши асосида ҳам ушбу механизм ётади. Қуёнларнинг оёқ панжасидаги трофик яраларни преналон ва витапренол билан тизимли даволаш ҳам яққол терапевтик самарага олиб келди. Преналон ва витапренол ёрдамида трофик яраларни тўлиқ даволаниш муддати ўртача 46 ва 40 кунни ташкил этди. Назорат гуруҳида эса даволанишнинг 65-кунига келибгина жароҳатларнинг тўлиқ битиши қайд этилди. Терининг ясси, чизикли ва трофик яраларидаги регенератив жараёнларни рағбатлантириш учун полипренолларни қўллашга доир тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, улар тажрибада каламушлар терисида юқори хароратли куйишдан сўнг юзага келган жароҳатларни битишига қаратилган чора тadbирлар мажмуида ўз аксини топган. Шундай қилиб, агар каламушларда III А и III Б даражадаги куйишни юзага келтирсак (Рудковский В. Ва бошқ., 1980), тўқималарнинг яхлитлигини тиклаш жараёни назорат гуруҳида  $64.8 \pm 3.1$  кун давом этганлиги аниқланди. Куйиш юзаси преналон ва витапренол билан ишлов берилганда терининг тўлиқ тикланиш даври  $41.8 \pm 1.4$  ва  $37.8 \pm 2.5$  кунни ташкил қилди, яъни бу ҳолда улардан фойдаланиш самараси мос равишда 35.5% ва 41.7% ни ташкил қилди, чаканда мойи ва метилурацилнинг 10% ли суртмаси ушбу тажрибада 16.9% ва 23.6% ижобий натижа берди.

Кўриб чиқилаётган муаммоли қарашлар, яъни полипреноллар ёрдамида хайвонлар терисидаги жароҳатларнинг тезроқ битишига қаратилган регенератор жараёнларни ўрганиш билан бир қаторда уларнинг меъда яраларига бўлган таъсирига ҳам тўхталдик. Бунда биз турли этиологияли меъда яраларини стимуляция қилиб, хайвонлар организмига полипренолларни юбориш орқали

уларда кузатиладиган жараёнларни ўргандик. Ушбу ҳолатларнинг барчасида полипреноллар меъда яраларини тезда тузалишига ёрдам берди (2 - жадвал).

**2 - жадвал.**

**Ўрганилаётган полипреноллар ва референс-дори воситаларни каламушларда чақирилган меъда ярасини битиш жараёнига таъсири (M±m, n=6)**

Тадқиқот шартлари	Меъда шиллик қаватидаги деструкциялар микдори, куйидаги омиллар билан чақирилган			Сирка кислотаси билан чақирилган яранинг ўртача майдони, мм <sup>2</sup>
	Стрессор таъсир	Ацетилсалицил кислотаси	Этанол	
<b>I назорат (кунгабоқар мойи)</b>	4.5±0.2	23.5±1.9	9.2±0.9	84.0±4.9
<b>II назорат (дистилланган сув)</b>	4.8±0.4	25.7±1.8	10.0±0.7	86.7±6.6
<b>Преналон</b>	1.0±0.3 <sup>*,1,2</sup>	4.7±0.8 <sup>*,1,2</sup>	2.5±0.4 <sup>*,1,2</sup>	24.3±3.4 <sup>*,1,2,3</sup>
<b>Витапренол</b>	0.7±0.3 <sup>*,1,2</sup>	3.3±0.8 <sup>*,1,2</sup>	1.7±0.2 <sup>*,1,2,3</sup>	17.3±0.9 <sup>*,1,2,3</sup>
<b>Пахта баргларида олинган полипреноллар</b>	1.5±0.4 <sup>*,1,2</sup>	5.5±0.9 <sup>*,1,2</sup>	3.0±0.6 <sup>*,1,2</sup>	31.0±4.6 <sup>*,1</sup>
<b>Чаканда мойи</b>	2.5±0.2 <sup>*,1,3</sup>	11.3±0.9 <sup>*,1,3</sup>	5.8±0.6 <sup>*,1,3</sup>	42.0±4.6 <sup>*,1,3</sup>
<b>Метилурацил суртмаси</b>	1.0±0.4 <sup>*,1,2</sup>	4.3±0.3 <sup>*,1,2</sup>	2.8±0.4 <sup>*,1,2</sup>	28.2±2.2 <sup>*,1,2</sup>

**Изох.** \* - I назоратга нисбатан ишонарли, <sup>1</sup> - II назоратга нисбатан ишонарли, <sup>2</sup> - чаканда мойи қабул қилган каламушлар кўрсаткичларига нисбатан ишонарли, <sup>3</sup> - метилурацил суртмаси қўлланилган каламушлар кўрсаткичларига нисбатан ишонарли (p < 0,05).

